

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 400-ҳадис

400 - وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أُمِرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ، وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ، فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَقِّ الْإِسْلَامِ، وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ تَعَالَى». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 25، م 22].

400. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Одамлар «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир», деб шаҳодат келтирмагунларича, намозни тўқис адо қилмагунларича ва закотни бермагунларича, уларга қарши жанг қилишга буюрилдим. Шуни бажаришса, қонлари ва молларини мендан асрабдилар. Фақат Ислом ҳаққи мустаснодир. Ҳисоблари эса Аллоҳнинг зиммасидадир», дедилар».**

*Муттафақун алайҳ.*

**Шарҳ:** Уламолар бу ҳадисда икки Ҳарам - Макка ва Мадина ҳудуди назарда тутилган, дейдилар. Шу боис бу икки ҳудудга бугун ҳам мусулмонлардан бошқалар киритилмайди. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида ҳам, рошид халифалар ва улардан кейинги халифаликларда ҳам ушбу икки шаҳардан бошқа Ислом ўлкаларида мусулмонлар билан бирга бошқа дин вакиллари ҳам асрлар оша иноқ яшаб келганлар. Агар юқоридаги ҳадисда барча Ислом давлати ҳудудлари назарда тутилган бўлганида, мусулмон ўлкаларда битта ҳам ғайримусулмон қолмаслиги керак эди, «аҳли зимма» деган гапга ҳожат қолмасди.

Ҳадисда айтилган «Аллоҳнинг ҳаққи» деганда қасос ва бошқа шу каби айрим шаръий жазолар назарда тутилган.

Мазкур ҳадис ўзида Ислоннинг учта асосий рукнини жамлаган:

1. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг Расули деб гувоҳлик бермоқ;
2. Намозни барча қонун-қоидалари билан тўқис адо қилмоқ;
3. Закотни ҳақдор кишиларга бермоқ.

Ушбу ҳадис билан мазмунан бир хил бўлган бошқа ривоятлар имом Бухорий, Аҳмад ва Ибн Можа асарларида ҳам келтириб ўтилганки, улар ҳадис маъносини янада чуқурроқ ёритиб беради.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

